

ДУНЁ МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМЛАРИ ТАРИХИДАН: КОНФУЦИЙЛИК

Моҳира Холиқова,
“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими
фалсафа доктори, доцент

Етказаман, аммо яратмайман.
Конфуций

Юнон фалсафаси Платон, Аристотель, Сүкрот, немис фалсафаси Кант, Ницше, Шопенгауэр, Хитой фалсафаси эса Конфуций номи билан чамбарчас боғлиқ ва мангу барҳаёт.

Конфуций (хитойча 孔子 Кун-цзы) Хитой фалсафасининг тамал тошини кўйган конфуцийлик таълимоти асосчиси ва сиёсий арбоб бўлиб, унинг таълимоти Шарқ халқлари дунёқарashi ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатган.

Унинг исми Хитой маданиятининг *Буюк Хитой девори, фарфор, қогоз, порох, ипак, компас* каби тимсолига айланган.

Буюк донишманд тахминан милоддан аввалги 553 - 479 йилларда яшаган.



Конфуцийлик (пиньинь, яъни “билимли инсонлар мактаби”) Шарқда энг кўп тарқалган ғоявий оқимлардан бири ҳисобланади.

Конфуций ва унинг издошлари томонидан яратилган ушбу таълимот минг йиллардан бери Хитой миллий тарбия тизимининг асоси бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Конфуцийлик таълимоти асосини **замон ва замин, давлат ва жамият, ззгулик ва ёвузлик ҳақидаги ўйлар, инсон табиати, жамият ҳаётини белгиловчи аҳлоқий билимлар** ташкил этади.

Таълимотнинг марказида аждодлари хотирасини доимо ёдда тутувчи, ҳукмдорларга нисбатан чуқур эҳтиромли, халққа муруватли, миллий урфодатлар ва анъаналарга қатъий риоя этувчи шахс, аҳлоқий билимларни мужассам этган маърифатпарвар инсон гавдаланади.

Конфуцийлик таълимотининг базавий тамойиллари:

- ✓ **Жэнь** (仁) - инсонпарварлик;
- ✓ **И** (義) - бурч;
- ✓ **Ли** (禮) – қоидаларга бўйсуниш;

- ✓ **Чжи** (智) - билим;
- ✓ **Синь** (信) - самимият;
- ✓ **Дао** (道) - йўл, ҳақиқат;
- ✓ **Дэ** (德) - эзгулик, эзгу амаллар;
- ✓ **Цай** (才) - қобилият, иқтидор, инсон табиати;
- ✓ **Сяо** (孝) - ота-онани қадрлаш, аждодларга эҳтиром, фарзандлик бурчини адo этиш;
- ✓ **Ти** (悌) - катталарга хурмат, aka-укалик ришталарини маҳкам тутиш;
- ✓ **Юнь** (勇) - жасурлик, мардлик;
- ✓ **Чжунь** (忠) - садоқат, сидқидилдан ҳизмат қилиш;
- ✓ **Шунь** (順) - итоат, бўйсуниш;
- ✓ **Хэ** (和) - уйғуллик, сокинлик, осойишталик;
- ✓ **Санъган** (三綱) - уч устун (раиятнинг ҳукмдорга, ўғилнинг отага, хотиннинг эрга итоати);
- ✓ **Цзюнь-цы** (君子) - олижаноб эр, ўзида аҳлоқий фазилатларни мужассам этувчи донишманд, комил инсон.

Масалан, **Ли** тамойили (қоидаларга бўйсуниш, маросимларни бажариш, урф-одатларни ҳурмат қилиш) жамият томонидан қабул қилинган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилишни англатади.

Конфуцийнинг фикрича, жами борлик, фазо, космик иерархиянинг асосида қоидаларга сўзсиз итоат қилиш туради.

Жамият ҳаётининг равнақи ва ривожи ҳам қонунларни сўзсиз бажариш, қоидаларга қатъий амал қилишга боғлиқ. Акс ҳолда жамият ҳаёти издан чиқиши ва парокандалик юз бериши мумкин.

Бугунги кунда ҳам **Ли** Хитой жамиятининг бош тамойили ҳисобланади.

Буюк донишманд ўз таълимотида оила аҳлоқига катта аҳамият қаратиб, “**давлат - бу катта оила**” деб таъкидлайди.

Сяо - фарзандлик бурчи ва итоати ҳақидаги тамойил моҳияти ота-онага тобелиқ, итоат, ҳурмат ва тавозеда намоён бўлади. Ижтимоий тартибининг муҳим омилларидан бири кичикларнинг катталарга – отага, ҳукмдорга, раҳбарга итоат қилишидир.

Сяо аҳлоқий тизими Хитойда кўп асрлардан бери оила ва қариндошлик ришталарининг равнақига ҳизмат қилмоқда.



Конфуцийликнинг асосий манбаларидан бири - **Лунь Юй** (Сұхбатлар ва фикрлар).

У Конфуцийнинг шогирдлари томонидан яратилған бўлиб, манбадан донишманднинг фикрмуроҳазалари, у билан бўлган сұхбат ва мулоқотлар ўрин олган.

* * *

Агарда одамлар мени тушунмасалар, ҳеч ўқинмайман. Агарда мен бошқаларни тушунмасам, ҳафа бўламан, - деди устоз.

* * *

Цзи Лу устоздан “Рухларга қандай қилиб ҳизмат қилиш мумкин?” деб сўради.

- Тирикларга ҳизмат қила олмаймиз, қандай қилиб рухларга ҳизмат қила олардик, - дея жавоб берди устоз.

- Унда ижозатингиз билан сўрасам, ўлим нима?

- Ҳаёт нималигини билмаймиз, ўлимни қайдан ҳам билардик? - деди устоз.

* * *

Кимдир устоздан сўради:

- Ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш керакми?

- Унда яхшиликка нима билан жавоб берасиз? - ўз навбатида сўради устоз.

- Ёмонликка адолат билан жавоб бермоқ керак.

* * *

Устоз деди:

- Илгариги замонларда одамлар ўзлари учун ўқир эдилар. Эндиликда бирорларнинг олдида мақтаниш учун.

* * *

Устоз айтарди:

- Қадимларда кам сўйлашарди, ўз сўзларининг ортидан етолмай қолишдан қўрқишарди.

* * *

Бир куни Конфуций Тайшань тоғининг олдидан ўтиб кетаётган эди, бир қабрнинг ёнида йиглаб турган аёлни қўрди.

Одоб юзасидан бир фурсат кутиб турди ва ҳизматкорини у аёлнинг ёнига юборди.

Ҳизматкори Цзи Лу у аёлдан сўради:

- Сиз жуда қаттиқ куяпсиз. Биринчи марта бўлмаса керак?

- Ҳудди шундай. Қачондир йўлбарс қайнотамни чавақлаб кетган эди.

Кейин эрим унинг чангалига тушди, энди эса ўғлимдан ажралиб турибман.

- Нега унда бу ерларни тарк этмайсиз?

- Бу ерда золим ҳукмдорлар йўқ.



Цзи Лу бўлган гапни Конфуцийга айтиб берди. Конфуций:

- Буни ҳамиша ёдингда тут. Золим ҳукумат йўлбарсдан ҳам йиртқичроқ, - деди.

* * *

Мен Сунь устоздан фарзандлик бурчи нима, деб сўради.

Устоз жавоб берди:

- Қоидадан чиқмаслик.

* * *

Фан Чи от аравани ҳайдаб борарди, шунда Устоз айтди:

- Мен Сун мендан фарзандлик бурчи нима, деб сўради. Мен унга: қоидани бузмаслиkdir, деб айтдим.

- Бунинг маъноси нима? - деб сўради Фан Чи.

Шунда Устоз жавоб берди:

- Ота-она тириклигида уларга яхши ҳизмат қилмоқдир. Қазо қилсалар - кўмиб келмоқ ва зарур расм-русумларни адо этмоқлиkdir.

* * *

Устоз айтарди:

- Агар ўқисанг-у ўйламасанг - чалкашиб қоласан.

Агар ўйласанг-у ўқимасанг - шубҳа-гумонлар тагида қолиб кетасан.

* * *

Устоз айтарди:

- Ота-онангиз тирик экан, улардан узоқ кетманг. Агар бориш зарур бўлиб қолса, қаерга боришингизни уларга маълум қилиб кетинг.

* * *

Устоз айтарди:

- Эҳтиёткор одамлар камдан-кам хато қиласилар.

* * *

Устоз айтарди:

- Муносиб хулқли киши сўзларни шошилмасдан сўйлагани маъқул ва ишларни жадал адо этмоғи афзал.

* * *

Ян Юан ҳақиқий одамийлик нима, деб сўради.

- Одам ўзини тута билиши ва адаб таомилларига риоя этиши керак, — деб жавоб берди Устоз, — мана шу чинакам одамийлик бўлади. Бир сафар ўзингни тутишга ўргансанг ва адабга риоя қилган ҳолда ҳаракат қилсанг, шунда бутун Осмон сени одамий экан, деб атайди.

Одамий бўлиш ёки бўлмаслик фақат кишининг ўзигагина боғлиқ, ахир бу нарса бошқаларга боғлиқ бўлиши сира ақлга тўғри келадими?

- Марҳамат қилиб айтинг-чи, бунга қандай эришса болади?

Устоз айтди:

Адабга зид нарсаларга қараманг.

Адабга зид нарсаларни эшитманг.

Адабга хилоф нарсаларни гапирманг.

Адабга хилоф нарсаларни қилманг.

* * *

Муаллим айтди:

- Ўқиши ва доим баркамолликка интилиш яхши эмасми? Узоқдан дўстларинг келса, қувонмайсанми?

* * *

Муаллим шундай деди:

- Гапга чечанлик ва ёқимли чехра ҳамма вақт ҳам инсоний фазилатни билдиравермайди.

* * *

Муаллим айтарди:

- Агар олижаноб одамда қатъият етишмаса, унда салобат ҳам бўлмайди, демак, у билим олишга иштиёқманд эмас.

Муҳими, ҳалол ва тўғри сўзли бўл, маслакдош бўлмаганлар билан дўстлашма ва камчиликларингни тузатишдан қўрқма.

* * *

- Агар тонгда ҳақиқатни англаб етсанг, шу куни кечдаёқ ўлсанг бўлади,
- деди устоз.

* * *

Муаллим деди:

- Агар олижаноб киши овқат пайти нафсини қондиришни ўйламаса, уйдалигида саранжом-саришталик ҳақида бош қотирса, иш жараёнида абжир бўлса, ўйлаб гапирса ва йўлини топиб олганлар билан яқинлашиб, ўзини ўнглаб олса, ундайлар ўқишини яхши кўрганлардан саналади.

* * *

Муаллим айтди:

- Одамларнинг сени билмаганига хафа бўлма, балки ўзинг одамларни билмаганинг учун хафа бўл.

* * *

Цзи Ю, “Устоз, фарзанд одоби нима?” деб сўради.

Муаллим жавоб қилди:

- Ҳозир фарзанд одоби, деганда фақат ота-оналарга қараш тушунилади.

Ҳайвонлар ҳам парвариш қилинади-ку.

Иzzат-икром ва меҳр кўрсатилмайдиган бўлса, бу иккисида фарқ бўлмайди.

* * *

Муаллим айтди:

- Одамгарчиликка интилиш инсонни барча ёмонликлардан қайтаради.

* * *

Муаллим айтди:

- Оғир, босиқ одамнинг хатоси ҳам кам бўлади.

* * *

Муаллим айтди:

- Доно одам фақат ўзига талаблар қўяди. Аҳмоқ одам фақат бошқалардан талаб қиласди.

* * *

Муаллим айтди:

- Олижаноб киши содда гапиришга, моҳирлик билан ишлашга интилади.

* * *

Женъ Цю деди:

- Сизнинг йўлингиз менга ёқади, лекин менинг кучим етмайдиганга ўхшайди.

Муаллим айтди:

- Кучи етмаганлар ярим йўлда қолиб кетади. Сен бўлсанг, ҳали қадам ташлаганинг ҳам йўқ.

* * *

Устоз деди:

- Давлат – катта оила, оила – кичик давлат.

* * *

Устоз деди:

- Ёшлар уйда ота-онага эҳтиром қўрсатиши, қўчада катталарга тавозе ва ҳурматда бўлиши, ишга жиддий ёндашиши, халқпарвар бўлиши ва яхши инсонлар билан мулоқот қилишлари лозим.

Колган барча вақт ва кучни китоб ўқишишга сарфлашлари зарур.